



ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИРҲО‘ЛЧИЛАРИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2026-йил • 30-июль • payshanba • № 29 (6609)

**Temir yo‘llar
mamlakatimiz
iqtisodiyoti-
ning qon
tomiridir.**

Gazeta 1933-yildan
chiqa boshlagan

Касб байрамингиз муборак бўлсин, азиз темирйўлчилар!

■ БАЙРАМ ТАБРИГИ

ЎРТАГА ҚАЙТМАС ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Сизларни мамлакатимизда кенг нишонланаётган Темир йўл транспорти ходимлари куни билан чин қалбимиздан самимий муборакбод этамиз.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар темир йўл транспорти тизимини ҳам мутлақо янги босқичга олиб чиқмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодийотининг стратегик таянчи бўлган мазкур тармоқда замонавий инфратузилмани ривожлантириш, транспорт-логистика занжирларини такомиллаштириш ҳамда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Бунинг натижасида соҳанинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсиб, юк ва йўловчи ташиш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Янги темир йўл линиялари қурилиб, мавжуд тармоқлар модернизация қилинмоқда ва электрлаштирилмоқда. Ҳаракат таркиби парки изчил янгиланиб, тармоқ саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватлари тобора ортиб бормоқда. Замонавий рақамли технологиялар, сунъий интеллект элементлари, автоматлаштирилган бошқарув тизимлари ва инновацион ечимларнинг кенг жорий этилиши хизматлар сифати, ҳаракат хавфсизлиги ва бошқарув самарадорлигини янги босқичга олиб чиқмоқда. Соҳа ҳар томонлама билимли ва юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамланиб, мамлакатимизнинг халқаро транспорт-транзит салоҳияти изчил юксалмоқда.

Айниқса, Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон халқаро темир йўли лойиҳасининг амалий босқичга ўтиши, янги темир йўл линиялари ва юқори тезликдаги йўналишларнинг барпо этилиши, “Жалолiddин Мангуберди” замонавий электропоезди қатновининг йўлга қўйилиши миллий темир йўл тизими тараққиётининг янги саҳифасини очди.

Буларнинг барчаси Янги Ўзбекистонда темир йўл соҳаси мутлақо янги тараққиёт босқичига қадам қўйганининг, унинг мамлакатимиз иқтисодий қудрати ва халқаро нуфузини мустаҳкамлашдаги ўрни тобора юксалиб бораётганининг ёрқин ифодасидир.

Бу юксак ютуқлар, аввало, сизларнинг касбий маҳоратингиз, фидокорона меҳнатингиз, масъулиятингиз ва Ватан тараққиётига бўлган садоқатингиз самарасидир.

Қадрли ҳамкасблар!

Барчангизга мамлакатимиз равнақи ва темир йўл соҳаси тараққиёти йўлидаги самарали меҳнатингиз учун самимий миннатдорлик билдирамыз.

Сизларга мустаҳкам соғлақ, оилавий бахт-саодат, масъулиятли ва шарафли фаолиятингизда янги ютуқлар, улкан зафарлар ва эзгу ишларингизга муваффақиятлар тилаймиз.

Юртимиз тараққиёти ва миллий темир йўл соҳаси равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатингиз доимо юксак эътирофга сазовор бўлсин!

Ўрнатилган ва эҳтиром билан

З.НАРЗУЛАЕВ,
“Ўзбекистон темир йўллари”
акциядорлик жамияти
бошқаруви раиси
Қ.САБИРОВ,
Ўзбекистон темирйўлчилари
ва транспорт қурувчилари
касаба уюшмаси Республика
Кенгаши раиси



Ушбу байрам муносабати билан “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси З.Нарзуллаевнинг тегишли буйруғига асосан, тизимда фаолият юритаётган 63 мингдан ортиқ ходим моддий рағбатлантирилади.

Шунингдек, тармоқнинг барча ҳудудий корхоналарида меҳнат қилаётган илғор ишчи-ходимлар фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғалари ва қиммат-баҳо буюмлар билан мукофотланади.

Таъкидлаш лозимки, бу йилги касб байрамини темирйўлчилар мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги олдида халқимиз орзу қилган

катта лойиҳаларнинг ҳаёта татиқ этилиши билан кутиб олишмоқда. Ўтган бир йил давомида темир йўл соҳасида давлатимиз раҳбари ва юртдошларимиз эътиборида бўлган бир неча йirik лойиҳалар муваффақиятли якунига етказилиб, ёруғ юз билан амалга оширилди. Хусусан, “Тошкент – Хива – Тошкент” йўналишида “Жалолiddин Мангуберди” поезди ҳаракати йўлга қўйилди. Жанубий Кореянинг “Hyundai Rotem” компаниясида

ишлаб чиқарилган юқори тезликда ҳаракатланувчи поездларнинг 3 таси юртимизга келтирилди. Ушбу поезднинг ҳаракатга қўйилиши учун “Навоий – Бухоро” йўналишида ҳам юқори тезликка мослаштирилган 92,1 километрлик иккинчи электрлаштирилган темир йўл линияси бунёд этилди.

Шунингдек, “Самарқанд – Ургут” йўналишида 54,4 километрлик янги линия қурилиши якунланиб, “Самарқанд – Ургут – Самарқанд” йўналишида янги йўловчи поезди ҳаракати йўлга қўйилди. “Байтқўргон – Паркент” оралиғида ҳам 24 километрлик янги электрлаштирилган темир йўл линияси қурилиши якунланди. 2027 йилда “Тошкент – Нукус – Тошкент” йўналишида ҳам “Жалолiddин Мангуберди” поездини йўлга қўйиш кутилмоқда. Бунинг учун 196,12 километрлик “Мискин – Нукус” темир йўли юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар учун мослаштирилиб, электрлаштирилмоқда.

Қолаверса, Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги “Собир Раҳимов” ва “Уртаовул” станциялари оралиғида жойлашган темир йўл кесишмаси

ишлаб чиқарилган юқори тезликда ҳаракатланувчи поездларнинг 3 таси юртимизга келтирилди. Ушбу поезднинг ҳаракатга қўйилиши учун “Навоий – Бухоро” йўналишида ҳам юқори тезликка мослаштирилган 92,1 километрлик иккинчи электрлаштирилган темир йўл линияси бунёд этилди.

Шунингдек, “Самарқанд – Ургут” йўналишида 54,4 километрлик янги линия қурилиши якунланиб, “Самарқанд – Ургут – Самарқанд” йўналишида янги йўловчи поезди ҳаракати йўлга қўйилди. “Байтқўргон – Паркент” оралиғида ҳам 24 километрлик янги электрлаштирилган темир йўл линияси қурилиши якунланди. 2027 йилда “Тошкент – Нукус – Тошкент” йўналишида ҳам “Жалолiddин Мангуберди” поездини йўлга қўйиш кутилмоқда. Бунинг учун 196,12 километрлик “Мискин – Нукус” темир йўли юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар учун мослаштирилиб, электрлаштирилмоқда.

Қолаверса, Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги “Собир Раҳимов” ва “Уртаовул” станциялари оралиғида жойлашган темир йўл кесишмаси

ишлаб чиқарилган юқори тезликда ҳаракатланувчи поездларнинг 3 таси юртимизга келтирилди. Ушбу поезднинг ҳаракатга қўйилиши учун “Навоий – Бухоро” йўналишида ҳам юқори тезликка мослаштирилган 92,1 километрлик иккинчи электрлаштирилган темир йўл линияси бунёд этилди.

Шунингдек, “Самарқанд – Ургут” йўналишида 54,4 километрлик янги линия қурилиши якунланиб, “Самарқанд – Ургут – Самарқанд” йўналишида янги йўловчи поезди ҳаракати йўлга қўйилди. “Байтқўргон – Паркент” оралиғида ҳам 24 километрлик янги электрлаштирилган темир йўл линияси қурилиши якунланди. 2027 йилда “Тошкент – Нукус – Тошкент” йўналишида ҳам “Жалолiddин Мангуберди” поездини йўлга қўйиш кутилмоқда. Бунинг учун 196,12 километрлик “Мискин – Нукус” темир йўли юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар учун мослаштирилиб, электрлаштирилмоқда.

Қолаверса, Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги “Собир Раҳимов” ва “Уртаовул” станциялари оралиғида жойлашган темир йўл кесишмаси

ишлаб чиқарилган юқори тезликда ҳаракатланувчи поездларнинг 3 таси юртимизга келтирилди. Ушбу поезднинг ҳаракатга қўйилиши учун “Навоий – Бухоро” йўналишида ҳам юқори тезликка мослаштирилган 92,1 километрлик иккинчи электрлаштирилган темир йўл линияси бунёд этилди.

Шунингдек, “Самарқанд – Ургут” йўналишида 54,4 километрлик янги линия қурилиши якунланиб, “Самарқанд – Ургут – Самарқанд” йўналишида янги йўловчи поезди ҳаракати йўлга қўйилди. “Байтқўргон – Паркент” оралиғида ҳам 24 километрлик янги электрлаштирилган темир йўл линияси қурилиши якунланди. 2027 йилда “Тошкент – Нукус – Тошкент” йўналишида ҳам “Жалолiddин Мангуберди” поездини йўлга қўйиш кутилмоқда. Бунинг учун 196,12 километрлик “Мискин – Нукус” темир йўли юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар учун мослаштирилиб, электрлаштирилмоқда.

Қолаверса, Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги “Собир Раҳимов” ва “Уртаовул” станциялари оралиғида жойлашган темир йўл кесишмаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2017 ЙИЛ 2 АВГУСТДАГИ “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ХОДИМЛАРИ КУНИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ХОДИМЛАРИ КУНИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА”ГИ 2017 ЙИЛ 20 ДЕКАБРДАГИ ҚОНУНИГА АСОСАН ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР КАСБ БАЙРАМИНИ ҲАР ЙИЛИ АВГУСТ ОЙИНИНГ БИРИНЧИ ЯКШАНБАСИДА ҚЎТАРИНКИ КАЙФИЯТДА ЎТКАЗИШАДИ.



ўрнида замонавий йўл ўтказгич қурилмоқда.

“Нурафшон – Пискент – Бўка – Бекобод – Боёвут – Янгиер” йўналишида 110 километрлик электрлаштирилган темир йўл қурилиши бошланди. 103 километрлик “Қумқўргон – Қудуқли” янги темир йўл линияси барпо этилмоқда.

Соҳа ходимлари томонидан “Ургач” вокзалдан “Ургач” аэропортигача 10,85 километрлик электрлаштирилган янги темир йўл линияси қурилди.

Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши ва йўлга қўйилгани, энг аввало, туризм салоҳияти ва жозибадорлигини оширади, шунингдек, юк ва йўловчи ташиш тезлиги бир неча баробарга ортиб, йўловчиларга

хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланади. Энг муҳими, экология ва атроф-муҳит мусоф-фологи сақланишига эришилади.

Мухтасар қилиб айтганда, темирйўлчилар бу йилги касб байрамини яхши натижалар билан кутиб олишмоқда, бироқ 2027 йилда ҳам масъулиятли вазифалар бор. Ишонимизки, соҳа ходимлари олдимизда турган мураккаб вазифаларни ҳам ишончли бажариб, ҳукуматимиз томонидан топширилган лойиҳаларни шараф билан бажаришади.

Яна бир бор касб байрамингиз муборак бўлсин, деб қоламиз азиз темирйўлчилар!

Рустам ҲАЙДАРОВ

■ РАҚАМЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

“ЧУҚУРСОЙ” СТАНЦИЯСИДА МЕДИА-ТУР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Ўтган ҳафта “Темирйўл-инфратузилма” акциядорлик жамиятининг “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиалига қарашли “Чуқурсой” станциясида “Aqlli temir yo‘l tarozisi” ҳамда “Vagon Vision” ахборот тизимлари, шунингдек, станцияда амалга оширилган рақамлаштириш жараёнлари ҳақида кенг маълумот бериш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун медиа-тур ташкил қилинди.



Бугунги кунда юк ташиш хавфсизлиги ва темир йўл инфратузилмасини асраб-авайлаш дав-

латимиз транспорт тизимининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Темир йўл орқали та-



шилаётган ҳар бир юкнинг меъёр асосида ортлиги нафақат ташиш сифати, балки минглаб километр

темир йўл тармоқлари ва вагонларимизнинг узоқ муддат хизмат қилишини ҳам таъминлайди.

С праздником, дорогие железнодорожники!

“ЧУҚУРСОЙ” СТАНЦИЯСИДА МЕДИА-ТУР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



Давоми. Бошланиши 1-бетда

Шу мақсадда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тизимида замонавий сунъий интеллект технологияларига асосланган “Ақлли темир йўл тарозиси” ахборот тизими жорий этилди. Мазкур тизимнинг асосий мақсади – темир йўл логистикасида вагонларни тортиш жараёнини тўлиқ автоматлаштириш, инсон омилини камайтириш ҳамда юк ташиш жараёнлари устидан реал вақт режимида узлуксиз назоратни таъминлашдир.

Маълумки, юк вагонлари ўртача 64 тоннагача юк ташишга мўлжалланган. Белгиланган меъёрдан ортиқ юк ортилиши вагонларнинг техник ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши, темир йўл изларига ортиқча юклама тушириши ҳамда ҳаракат хавфсизлигига хавф туғдириши мумкин.

“Ақлли темир йўл тарозиси” тизими айнан ана шундай ҳолатларни олдини олишга хизмат қилади.

Тизим станциялардаги темир йўл тарозиларидан олинадиган маълумотларни сунъ-

ий интеллект алгоритмлари ёрдамида автоматик таҳлил қилади, барча натижаларни ягона электрон базада жамлайди, юк меъёрларига риоя этилишини доимий назорат қилади ҳамда раҳбарлар учун қулай таҳлилий ҳисоботларни визуал кўринишда тақдим этади.

Энг муҳими, ушбу тизим вагонларимизнинг техник бутлигини сақлаш, темир йўл инфратузилмасининг хизмат муддатини узайтириш ва ҳаракат хавфсизлигини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Натижада юк ташиш жараёнлари янада ишончли, барқарор ва хавфсиз ташкил этилмоқда.

Бу эса ўз навбатида, тадбиркорларимиз учун катта қулайлик яратиб, юкларнинг белгиланган меъёрларда ташилиши ва хавфсиз ҳолда ўз манзилига етиб боришини таъминлайди. Логистика жараёнларидаги хавфларни ҳам камайтиради ва юк эгаларининг ишончини янада мустаҳкамлайди.

“Ақлли темир йўл тарози-

си” – бу шунчаки замонавий тортиш тизими эмас, балки сунъий интеллект ёрдамида темир йўл транспорти хавфсизлигини янги босқичга олиб чиқаётган, рақамли трансформациянинг амалий натижасини намоён этаётган инновацион ечимдир.

Айтиш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда логистика ва юк ташиш жараёнларини тезкор, шаффоф ҳамда самарали ташкил этиш иқтисодий тараққиётнинг муҳим омилларидан бирига айланди. Айниқса, тадбиркорлар ва ишлаб чиқарувчилар учун юкларнинг ўз вақтида манзилга етказилиши нафақат вақтни, балки маблағни ҳам тежайди, ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлайди ва иқтисодий фаолликни янада оширади.

Шу мақсадда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тизимида жорий этилган “Vagon Vision” ахборот тизими темир йўл станцияларидан ҳаракатланаётган поезд ва вагонларни компьютер кўруви технологиялари ёрдамида автоматик



аниқлаш, уларни реал вақт режимида ҳисобга олиш ва доимий назорат қилишга хизмат қилмоқда. Мазкур рақамли ечим натижасида вагонларни қайд этиш жараёнидаги инсон омили сезиларли даражада камайиб, маълумотларнинг аниқлиги ошди ҳамда вагон ҳаракати устидан марказлашган ва шаффоф мониторинг йўлга қўйилди.

Мазкур тизим станцияларда ўрнатилган видеокамералар орқали олинган тасвирларни сунъий интеллект алгоритмлари ёрдамида таҳлил қилади. Аниқланган маълумотлар ягона электрон базага жамланади, поезд таркиби автоматик шакллантирилади ва барча жараёнлар замонавий таҳлилий панель (dashboard) орқали визуал кўринишда кузатиб борилади.

Энг муҳими, ушбу лойиҳа юк ташиш жараёнларини янада тезлаштиришга хизмат қилади. Ҳар бир дақиқанинг

қадрни баланд бўлган бугунги даврда тадбиркорлар учун юкларнинг ўз вақтида етказилиши ишлаб чиқариш, экспорт ва ички бозор таъминотининг узлуксизлигини кафолатлайди. “Vagon Vision” айнан шу мақсадга қаратилган бўлиб, юк вагонлари ҳаракатини тезкор назорат қилиш, ортиқча кутиш вақтларини камайтириш ва логистика жараёнларини оптималлаштириш имконини беради.

Натижада юклар белгиланган манзилга янада тезроқ етиб боради, тадбиркорларнинг вақт ва ҳаражатлари қисқаради, миқдорларга кўрсатилаётган хизмат сифати ошади. Бу эса мамлакатимиз транспорт-логистика тизимининг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш, иқтисодиёт тармоқларини ишончли транспорт хизматлари билан таъминлаш ва янги инвестицияларни жалб этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

■ ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИ ФАОЛИЯТИДАН

МЕҲР УЛАШГАН ҚАЛБ ҚАРИМАЙДИ

шарти – фидойилик, бурчи – эътибор

Вақт – шиддатли оқим. Йиллар ўтади, пўлат изларда поездлар ҳаракати бир зум тўхтамайди. Бироқ бугун минг-минглаб йўловчиларни манзилига бехатар етказаятган ўша равон йўлларни ўз вақтида бунёд этган, вагонларга жон киритган, совуқ ва иссиқ кунларда бекаларда тонг оттирган табаррук қўллар бугун нурунийлик гаштини сурмоқда. Тақдир такозоси билан уларнинг аксарияти бугун хонадонларида – илик сўз, эътибор ва меҳрга муҳтож.



Темирйўлчиларнинг касб байрами арафасида ана шу фидойи инсонлар ҳолидан хабар олиш, уларга “Сизнинг меҳнатингиз ҳар доим ёдимизда!” дейиш хайрли анъанага айланган.

Бу йилги байрам арафасида ҳам “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбарияти ташаббуси билан кенг қўламли хайрия тадбирлари ўтказилди. Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти темир йўл минтакавий ташкилоти қарамоғидаги 368 нафар ёлғиз, нафақадаги ва кўмакка муҳтож темирйўлчиларнинг эшиги қоқилди. Бутун умрини темир йўл соҳаси ва унинг ривожига бахшида этган устозларимизга озиқ-овқат тўпламлари топширилиб, энг самимий тилаклар билдирилди.

Эзгулик манзили биргина хонадон ёки биргина ташкилот билан чекланиб қолгани йўқ. Тармоқ касба уюшмаси билан мустаҳкам ҳамкорликда яна 103 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оилага беғараз меҳр қўли узатилди.

Бундай учрашувларда воқеалар ривожидан кўра, қалблардаги кечинмалар муҳимроқ. Эшик қоқилганда қарши олган фахрийларимизнинг кўзида миннатдорлик ёшлари қалқиди, кимдир ёшликдаги машаққатли, аммо шарафли хотираларини тўқиланиб сўзлаб берди, яна кимдир шунчаки узоқ ва самимий кучоқлаб турди... Бу онлардаги самимият ва кексаларнинг дуоси – ушбу ташаббус ташкилотчилари учун энг олий мукофот бўлди.

Ушбу хайрли ишлар ортида ташкилотнинг 11 та ҳудудий бўлинмаси фидойилари турганини таъкидлаш жоиз. Тошкент, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Термиз, Урганч, Ховос, Хўжайли, Қарши, Қўнғирот ва Қўқондаги “Меҳр-шафқат” ҳамширалари ҳар бир хонадонга байрам тўхфалари билан бир қаторда қалб ҳароратини, самимий табассумни олиб киришди.

Байрам тадбирлари ўтади. Аммо инсоннинг ёлғизлик дақиқаларида ёнида бўлиш, кўнглини кўтариш ҳам меҳр улашганларнинг, ҳам шу меҳрдан баҳраманд бўлганларнинг қалбида узоқ вақт муҳрланиб қолади.

Зеро, соф меҳр ва эътибор улашган қалб ҳеч қачон қаримайди.

■ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

КАСБ БАЙРАМИГА МУНОСИБ ТУҲФА: СОҲА ХОДИМЛАРИ ТАБИАТ ҚЎЙНИДА БЕЛЛАШИШДИ

Темирйўлчилар касб байрами муносабати билан “Ўзтемирйўлйўловчи” акциядорлик жамиятининг “Йўловчи вагонларини техник ва технологик тайёрлаш, таъмирлаш” филиали (ВЧД-2) раҳбарияти ҳамда Касаба уюшмаси кўмитаси ташаббуси билан Тошкент вилояти Бўстонлик туманининг сўлим тоғли ҳудудида жойлашган “Wellmore” дам олиш оромгоҳида депо цехлари ишчи-ходимлари учун спорт мусобақаси ташкил этилди.



Ишчи-ходимлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва уларнинг мароқли дам олишларини таъминлаш мақсадида ўтказилган спорт беллашувларида корхонанинг 12 та цехидан 90 нафар ходим мини-футбол ҳамда сув ҳавзасида сузиш бў-

йича ғолиблик учун баҳс олиб борди.

Дастлаб эркаклар ўртасида кечган мини-футбол мусобақасида 12 та жамоа ўз маҳоратини намойиш этди. Шундан сўнг иштирокчилар сув ҳавзасида қисқа масофага сузиш бўйича ўзаро курашиди-



лар. Мурасасиз кечган баҳслар кучлиларни аниқлаб берди.

Аёл ишчи-ходимлар ўртасида алоҳида ўтказилган сузиш мусобақасида ҳам ғолиблар кескин беллашувлар остида аниқланди.

– Ушбу спорт тадбирини Тошкент вилоятининг сўлим

ғўшаларидан бирида ўтказишдан кўзланган асосий мақсад – ходимларнинг мароқли дам олишини таъминлаш, уларни соғлом турмуш тарзига жалб этиб, жисмоний фаоллигини оширишдан иборат, – дейди депонинг Касаба уюшмаси кўмитаси раиси Фазилддин Ил-



хомов. – Айниқса, мазкур тадбирнинг темирйўлчилар касб байрами арафасида ташкил этилгани ҳар бир ходимнинг ўз касбига ва жамоасига бўлган меҳрини, фидойилигини ҳамда келгуси иш фаолиятида самарадорликни янада оширади.

Мусобақа якунида фаол иштирок этган ва фахрли байрами арафасида ташкил этилгани ҳар бир ходимнинг ўз касбига ва жамоасига бўлган меҳрини, фидойилигини ҳамда келгуси иш фаолиятида самарадорликни янада оширади.

КАСБ ФИДОЙИЛАРИ

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР КАСБ БАЙРАМИ АРАФАСИДА “ЎЗ-БЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТАСАРРУФИДАГИ ТУРЛИ КОРХОНАЛАРДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ИБРАТЛИ ВА ФИДОЙИ КАСБ ЭГАЛАРИ БИЛАН СУЊБАТЛАШДИК. УЛАРНИНГ ЙИРИК ЛОЙИХАЛАРДАГИ МУНОСИБ ИШТИРОКИ ҲАМДА ТЕМИР ЙЎЛЛАРИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШАЁТГАН ФИДОКОРОНА МЕҲНАТЛАРИ БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШДИК.

ЭЪТИБОРЛИСИ, ЎЗ КАСБИДАН БАХТ ТОПАЁТГАН СОҲАМИЗ ВАКИЛЛАРИ РАҲБАРИЯТ ТОМОНИДАН ЯРАТИБ БЕРИЛАЁТГАН ШАРОИТЛАРДАН МАМНУН БЎЛИБ, ТАРМОҚДА ЭРИШИЛАЁТГАН ЮТУҚЛАРГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАЁТГАНЛАРИДАН ФАХРЛАНИШМОҚДА.



Ш.БОБОЖОНОВ, “Темирйўлэкспресс” акциядорлик жамияти борт муҳандиси:

– “Тошкент – Хива – Тошкент” йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи “Жалоллидин Манғуберди” электропоезди бугунги кунда йўловчилар учун энг замонавий ва қулай транспорт воситаларидан бири ҳисобланади.

Айниқса, сайёҳлар учун қатор афзалликларга эга бўлган мазкур таркиб 7 та вагондан иборат. Вагонларнинг ичи кенг, ёруғ, шинам ҳамда ҳар қандай иқлим шароитига мослаштирилган. Йўловчилар ўриндиқларни ўз хоҳишларига кўра қарама-қарши томонга буриш (ҳаракатлантириш) имкониятига эга. Махсус мониторлар орқали поезднинг тезлиги, ички ва ташқи ҳаво ҳарорати ҳамда бошқа зарур маълумотларни кузатиб бориш мумкин. Шунингдек, вагон ичида ота-оналар ва болалар учун алоҳида махсус хона ҳам ташкил этилган.

ХУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР

“UZAUTO MOTORS” БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг 136-УН-буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида, Жамиятнинг Логистика ва маркетинг бошқармаси масъул раҳбарлари ҳамда бўлим бошлиқлари томонидан “UzAuto Motors” корхонасига амалий таширф ташкил этилди.



Таширф давомида “Асака” станциясига туташ ҳудудда жойлашган корхонада “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ҳамкорлигида яратилган темир йўл инфратузилмаси “UzAuto Motors” раҳбарияти билан биргаликда ўрганилди ҳамда икки томонлама учрашув ўтказилди.

ЭЪТИРОФГА ЛОЙИҚ ЛОЙИҲАЛАР ИЖРОСИ

бунга ҳар бир корхона, жамоа ва мутахассис ҳисса қўшмоқда



Э.ИСЛОМОВ, Қарши сигналлаштириш ва алоқа масофасининг рақамлаштириш муҳандиси:

– “Маҳаллий градиент” — турли алоқа каналлари орқали бўладиган сўзлашувларни ёзиб олишга мўлжалланган замонавий қурилмадир. Темир йўл алоқа тизимларида ушбу қурилмага бўлган юқори эҳтиёж, қолаверса, унинг чет элдан катта миқдордаги хориж валюта-сига импорт қилиниши мазкур лойиҳанинг яратилишига асос бўлди. Бундан кўзланган асосий мақсад — ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамда шу

вақтга қадар хориждан келтирилган ускуналар ўрнини боса оладиган миллий тизимни яратишдан иборат эди. Маҳаллий хомашё ва бутловчи қисмлар асосида тайёрлангани боис, ушбу қурилма четдан олиб келинаётган импорт муқобилидан 3-4 баробар арзонга тушмоқда. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти томонидан ўтказилган “Инновацион лойиҳалар” кўрик-танловига мазкур ишланма билан алоқа соҳаси йўналишида иштирок этиб, фахрли 1-ўринни қўлга киритдим.

Э.ХУДОЙБЕРДИЕВ,

Термиз темир йўл масофаси йўл таъмирловчиси:

– Жамоамизнинг тажрибали мутахассислари билан биргаликда “Термиз” станциясининг қабул қилиш паркида 4 та қўшимча йўлни қуриб, фойдаланишга топширдик. Бундан ташқари, “Ғалаба” станциясидаги қўшимча йўл ҳамда кўрик паркидаги янги темир йўл линиясини барпо этиш ишларини ҳам муваффақиятли аяунладик. Мазкур янги йўллар поездларни кечиктирмасдан қабул қилиш ва ҳаракат хавфсизлигини белгиланган жадвал асосида таъминлаш имконини беради. Айни пайтда “Термиз минтақавий темир йўл узели” филиали ҳудудидаги 15 километрлик эскирган темир йўл излари капитал таъмирланди ва бу жараёнга ўз ҳиссамни қўшганимдан мамнунман. Жамият томонидан ажратилган 16 километрлик янги рельслар зарурий участкаларга тўлиқ ётқизилди. Шунингдек, ҳозирда узел тасарруфидаги йўлларда пиёдалар учун 5 та темир йўл ости туннелини барпо этиш ишларида ҳам фаол иштирок этяпмиз.



Х.РАХМОНҚУЛОВ,

Рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш департаменти бошлиғи ўринбосари:

– Темир йўл соҳасини рақамлаштириш доирасида сўнгги бир йил давомида “Smart depo”, “Tezkor telegraf”, “Railway Observer”, “Raqaamli metrologiya”, “Yo‘l xo‘jaligini online nazorat qilish”, “Raqaamli mehnat muhofazasi” ва “КМО” каби қатор истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди. Шунингдек, вокзалларда йўловчилар хавфсизлигини юқори даражада таъминлаш мақсадида видеокамералар назорати сунъий интеллект технологиялари асосида тубдан янгиланди. Касб байрамига муносиб тухфа сифатида яқин кунларда жамоамиз томонидан яратилган “Chat Railway AI” сунъий интеллект ёрдамчиси дастури ҳам расман ишга туширилади.




Б.АБДУРАҲМОНОВ,

“Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали Рақамлаштириш бўлими бошлиғи:

– “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиалининг Рақамлаштириш ва ахборот хавфсизлиги бўлими мутахассислари томонидан ходимлар даволатини қайд этувчи “Face Mobile” веб-ило-васи ҳамда кадрлар салоҳиятини бошқаришга мўлжалланган ягона “Human Resources” (HR) ахборот тизими ишлаб чиқилди. Ушбу рақамли ечим ходимлар фаолиятини комплекс бошқариш, иш вақтини ҳисобга олиш, меҳнат интизомини назорат қилиш, КРІ кўрсаткичлари мониторингини олиб бориш ҳамда HR жараёнларини тўлиқ автоматлаштиришга хизмат қилади.

Мазкур тизим кадрлар танлаш, уларни ривожлантириш ва рабатлантириш, ходимлар ҳақидаги маълумотларни тахрирлаш ҳамда саралаш имконини беради. Бу эса соҳадаги бир қанча ташкилий муаммоларни бартараф этиш билан бирга, жиддий иқтисодий те-жамкорликка ҳам замин яратади. Бугунги кунда узел таркибидаги 282 та корхона ва ташкилотта “Face Mobile” веб-иловаси тўлиқ жорий этилди. 2026 йилнинг февраль ойидан бошлаб эса кадрлар бошқару-вида даволат сиёсати мазкур тизим орқали синов тариқасида йўлга қўйилди.



А.УРАЗНИЯЗОВ,

“Кўнғирот минтақавий темир йўл узели” филиали электр таъминоти бўйича муҳандиси:

– Айни пайтда темирйўлчиларимиз томонидан олиб борилаётган 196,12 километрлик “Мискин – Нукус” темир йўл линиясини электрлаштириш лойи-ҳасига ўз ҳиссамни қўшяпман. Мазкур лойиҳа доирасида контакт тармоғи ва таянч конструкцияларини қуриш, тор-тувчи нимстанцияларни барпо этиш, электр таъминоти тармоғини модер-низация қилиш ҳамда сигнализация ва телекоммуникация тизимларини ян-гиллаш ишлари бажарилмоқда. Контакт тармоғини қуриш жараёнида шу кун-га қадар 5 минг 44 та хандақ қазилиб, уларга юқори чидамликка эга бўлган 4 минг 134 та темир-бетон пойдевор ва таянч устунлари ўрнатиб бўлинди.



Х.МАҲМУДОВ,

Навоий сигналлаштириш ва алоқа масофасининг “МПЦ Турон” бўлими бошлиқ ўринбосари:

– Бугунги кунда Навоий сигналлаш-тириш ва алоқа масофаси таркибидаги Турон микропроцессорли марказлаштириш ти-зими бўлими мутахассислари томонидан яратилган миллий дастурий маҳсулотлар соҳа ривожига катта ҳисса қўшмоқда. Хусу-сан, маҳаллий асосда ишлаб чиқилган “МПЦ Турон”, “МАПС Турон” (Микропроцессорли автоматлаштирилган кесишма сигнализа-цияси) ва “МПАБ Турон” (Микропроцессор-ли ярим автоматик блокировка тизими) ло-йиҳалари ҳаракат хавфсизлигини ошириш, харажатларни қискартириш ҳамда импорт ўрнини босувчи рақамли технологияларни кенг жорий этишда муҳим омил бўляпти.

Корхонамиз мутахассислари томонидан 2025 йилда “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали тасарруфидаги “Оққўп-рик” станцияси “МПЦ Турон” тизими билан жиҳозланиб, фойдаланишга топширилган эди. 2026 йил бошида эса станциянинг янги тузилишига мос дастурий таъминот қайта ишлаб чиқилди ва тизим муваффақиятли созланиб, эксплуатацияга берилди. Бун-дан ташқари, жамоамиз билан бирга “Мар-жонбулоқ – Булунғур” участкасидаги янги 19-разъездни “МПЦ Турон” тизими билан лойиҳалаб, ишга туширдик. Шунингдек, “Нурбулоқ” – “Каттақўрғон” – “Зирабулоқ” станциялари оралиғидаги 3794-, 3796- ва 3798-километрларда жойлашган темир йўл кесишмаларини “МАПС Турон” тизими би-лан жиҳозлаш ва созлаш ишларини муваф-фақиятли аяунладик.

Саҳифани Н.НУРМАТОВА тайёрлади

Учрашувда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектла-ри учун яратилаётган қулай шароитлар ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти томонидан кўрса-тилаётган логистика ва юк ташиш хизматлари юзасидан атрофича фикр алмашилди.

“КОРРУПЦИЯДАН ХОЛИ ХУДУД” ШИОРИ ОСТИДА СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

“Термиз минтақавий темир йўл узели” филиали, унинг тезкор бўйсинувидаги филиаллар ҳамда Сурхондарё вилояти ҳудудида фаолият юритаётган темир йўл ташкилот-лари иштирокида “Коррупциядан холи ҳудуд” шиори ости-да йиғилиши ташкил этилди.

Семинар давомида тизимда коррупция ҳолатларининг барвақт олдини олиш, уларнинг келиб чиқишига сабаб бў-лувчи омилларни бартараф этиш, манфаатлар тўкнашув-



вининг олдини олиш, ходимлар томонидан коррупцияга қарши қонунчилик ва ички тартиб-қоидалар талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Семинар якунида иштирокидаги томонидан корруп-цияга қарши курашиш борасидаги тизимли ишларни из-чил давом эттириш ҳамда ушбу йўналишда белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш юзасидан тегишли тавсия ва топшириқлар берилди.

ТЕМИР ЙЎЛ АТРОФИДА ХАВФСИЗЛИК – ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ МАСЪУЛИЯТИ

Бухоро вилояти Транспортда ХТБ ХПБ инспекторла-ри ҳамда “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиа-ли мутахассис ходимлари иштирокида Когон шаҳридаги “Адолат” ва “Темирйўлчи” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида темир йўл атрофида ва темир йўл кесишмала-рида хавфсиз ҳаракатланиш маданиятини оширишга қара-тилган навбатдаги тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Тарғибот давомида темир йўлга яқин ҳудудларда ис-тикомат қилувчи фуқароларга темир йўл инфратузилмаси яқинида доимо ҳушёр ва эҳтиёткор бўлиш, темир йўл ке-сишмаларини фақат белгиланган жойлардан кесиб ўтиш ҳамда амалдаги хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя этиш зарурлиги батафсил тушунтирилди.



Шунингдек, темир йўл ҳудудига яқин жойларда чорва молларини боқмаслик, темир йўл изларига бегона буюм-ларни ташламаслик, поездлар ҳаракатига тўскинлик қи-лувчи ёки хавф туғдирувчи ҳар қандай хатти-ҳаракат ко-нунчиликка мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши ҳамда инсон ҳаёти ва саломатлиги учун жиддий хавф туғдириши алоҳида таъкидланди.

Тадбир давомида фуқаролар билан очиқ мулоқот ўтка-зилиб, уларни қизиқтирган саволларга мутахассислар то-монидан атрофича жавоблар берилди.

Темир йўл – юқори хавф манбаи. Ўзингиз ва яқинла-рингиз ҳаёти хавфсизлиги учун темир йўл ҳудудида белги-ланган қоидаларга қатъий амал қилин!

МУНОСАБАТ



ТЕМИР ЙЎЛДАГИ ТАРАҚҚИЁТ

ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАМОҚДА



Сирожиддин НОРҚАБИЛОВ,
“Темирйўлчироқ” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси:

– Яқинлашиб келаётган касб байрами арафасида “Темирйўлчироқ” акциядорлик жамияти ва унинг таркибидаги барча узел ҳамда корхоналарда фаолият юритаётган 42 мингдан зиёд соҳа ходимлари ўз зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда, топширилган ҳар бир вазифани фидокорона бажариб келмоқдалар.

Бунинг натижасида 2026 йилнинг ўтган даври мобайнида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти инфратузилмасини яхшилашга қаратилган ишлар самарали, ишончли ва хавфсиз тарзда амалга оширилди. Тармоқдаги йирик лойиҳалар қурилиши ҳақида сўз юритганда, биринчи навбатда, “Навоний – Бухоро” участкасида умумий узунлиги 92,3 километр бўлган, юқори тезликдаги ҳаракатга мўлжалланган иккинчи электрлаштирилган темир йўл линияси қурилиб, фойдаланишга топширилганини таъкидлаш лозим. Мазкур лойиҳа ижроси натижасида участканинг поездларни ўтказиш қобилияти суткасига 23 жупдан 48 жупгача ошди. Шу билан бирга, “Афросиёб” юқори тезликдаги йўловчи поездларининг ҳаракатланиш вақти 12 дақиқага, юк поездларининг қатнови эса 1 соат 30 дақиқага қисқарди.

Бундан ташқари, “Самарқанд – Ўргут” йўналишида узунлиги 54,9 километр бўлган янги электрлаштирилган темир йўл линияси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Натижада Ўргут тумани вилоят мар-

кази билан илк бор темир йўл тармоғи орқали боғланди. Бу эса туманда ижтимоий-иқтисодий ўсишга замин яратиб, иқтисодиёт тармоқлари учун қулай ва арзон логистика хизматларини юзага келтирди. Айни пайтда “Ўргут – Самарқанд” йўналишида шахарлараро йўловчи поездлари қатнови ҳам йўлга қўйилган.

Темир йўл транспортда, аввало, йўловчиларни тезкор ва хавфсиз манзилга етказиш, шунингдек, юк ташиш ҳамда транзит поездларини узлуксиз ўтказиш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бунинг учун соҳадаги инфратузилманинг хавфсиз ва ишончли ҳолатда сақланиши зарур. Бугунги кунда қутилаётган юк ҳажми ва йўловчи ташувларидан келиб чиқиб, темир йўл участкаларини модернизация қилиш лойиҳалари доирасида жами 14 972 метр янги темир йўл излари ётқизилди ва электрлаштириш ишлари бажарилди. Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ва йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида янги сунъий иншоотлар, хусусан, 9 та кўприк ҳамда 40 та ер ости пиёдалар ўтиш йўлаги барпо этилди. Бундан ташқари, йил якунига қадар яна 17 та кўприк ва 34 та ер ости пиёдалар ўтиш йўлагини қуриш режалаштирилган.

Амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар доирасида республикаимизнинг энг йирик транспорт ташаббусларидан бири – узунлиги 196,1 километрлик “Мискин – Нукус” темир йўл участкасини электрлаштиришни якунлашди. Ушбу ишлар ниҳоясига етгач, Мискиндан Нукусгача бўлган йўловчи поездларининг ҳаракатланиш вақти 1 соатга қисқаради. Натижада йиллик йўловчи ташиш қуввати 0,5 миллиондан 1,1 миллион кишига (2,1 баробарга) ортиб, ҳудудда экологик муҳит яхшиланишига эришилади. Шунингдек, “Жалолиддин Мангуберди” юқори тезликдаги электропоезди Тошкент шахридан Нукус шахрига 8 соат 10 дақиқада (“Мискин” вокзалидан Нукусгача эса 1 соат 38 дақиқада) етиб бориши таъминланади.

“Нурафшон – Пискент – Бўқа – Бекобод – Боёвут – Янгиер” йўналишида 111 километр узунликдаги ва “Ховос – Даштубод” йўналишида 28 километрлик янги электрлаштирилган темир йўл линиясини қуриш ишлари бажарилмоқда.

Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш натижасида йўловчи поездлар ҳаракат вақти 2 соатга, юк поездлари эса 4,5 соатга қисқаради. Тошкент вилояти маркази билан бошқа туманлар темир йўл орқали боғланади ва ҳудудларда ижтимоий иқтисодий ўсишга замин яратилади.

Фурсатдан фойдаланиб, темир йўл соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган барча соҳа ходимларини касб байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман!

Жамшид АНВАРОВ,
“Темирйўлэкспресс” акциядорлик жамияти – Юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездларга техник хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи:

– Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида “Темирйўлэкспресс” акциядорлик жамияти фаолиятидаги энг муҳим воқеалардан бири Корея Республикасининг “Hyundai Rotem” компаниясида ишлаб чиқарилган замонавий юқори тезликдаги “Жалолиддин Мангуберди” электропоездларининг Ўзбекистонга келтирилиши ва эксплуатацияга топширилиши бўлди.

Бу мамлакатимиз темир йўл соҳаси тарихида янги даврни бошлаб берди. Зеро, юртимизда илк бор юқори тезликда ҳаракатланувчи поезд “Тошкент – Хива” йўналишида мунтазам қатнай бошлади. Авваллари қўхна Хива шахрига оддий йўловчи поездларида борила ва йўл вақти ўртача 14 соатни ташкил этар эди. Бугунги кунда эса “Жалолиддин Мангуберди” поезди ушбу масофани атиги 7 соат 30 дақиқада босиб ўтмоқда. Поезд мазкур йўналишда ҳар куни мунтазам ҳаракатланиб, йўловчилар учун қулайлик ва хизмат сифатини янги босқичга олиб чиқди.

Лойиҳа доирасида жами олтига юқори тезликдаги поезд етказиб бериш бўйича шартнома имзоланган бўлиб, бугунги кунга қадар уларнинг учтаси Ўзбекистонга олиб келинди ва босқичма-босқич эксплуатацияга топширилмоқда. Мазкур замонавий поездлар техник жиҳатдан соатига 250 километргача тезликда ҳаракатланиш имкониятига эга.



Улугбек МУҲАММАДИЕВ,
“Темир йўл ижтимоий хизматлар” МЧЖ бўлим бошлиғи, олий тоифали анестезиолог – реаниматолог шифокор:

– Кўп миң кишилик жамоамиз бу йилги касб байрами юқори қайфият, қатта янгиликлар ва бир қатор муҳим ютуқлар билан қутиб олмақда. Айни пайтда тизимдаги санитария-эпидемиология станциялари мамлакат ҳудудига юқумли касалликлар ва ҳафли юқларнинг кириб келишининг олдини олиш бўйича самарали фаолият юритмоқда.

Жамият раҳбарияти ташаббуси билан мутахассисларнинг малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Шифокорларимиз Жанубий Корея, Туркия ва Россияда малака ошириб, замонавий тиббий технологияларини амалиётга муваффақиятли жорий этмоқда. Келгусида Германия ва Хитойнинг етакчи тиббий марказлари билан ҳам ҳамкорликни кенгайтириш режалаштирилган.

Тизимдаги муассасаларда модернизация ишлари изчил давом этмоқда. Жумладан, йўл болалар касалхонасининг оториноларингология (ЛОР), стоматология, лаборатория, физиотерапия, офтальмология ва функционал диагностика бўлимлари замонавий ускуналар билан таъминланди. Этиборлиси, ЛОР ва стоматология хизматлари 24 соатлик (кечаю кундуз) иш

тартибига ўтказилди. Муассасага жарроҳ, ортопед-травматолог, ўсимлар гинеколога каби янги мутахассислар жалб этилиб, тиббий хизматлар қўлами янада кенгайтирилмоқда.

Марказий клиник шифохонасида эса мамлакатдаги энг замонавий, юқори технологияли “Philips” МРТ аппарати, маммография ва физиотерапия ускуналари ўрнатилиб, юқори аниқликдаги диагностика имкониятлари яратилди. Шунингдек, янги Травматология бўлими фаолияти йўлга қўйилди. Тизимдаги шифохоналарда проктология хизмати ташкил этилиб, бунинг учун замонавий колоноскопия ва эндоскопия аппаратлари харид қилинди.

Ҳозирги кунда нейрохирургия ва травматология бўлимларини ташкил этиш ҳамда янги операция блокани ишга тушириш бўйича ишлар жадал давом эттирилмоқда.



Фозил ШАРИПОВ,
“Ўзтемирйўлчироқ” акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш ва техник ривожлантириш бўйича директори:

– Йўловчи ташиш соҳасида фаолият юритувчи субъектлар вазифалари аниқ тақсимланиши натижасида ҳар бир ҳўжалик томонидан йўловчиларни ташишга, айниқса, хорижий сайёҳларни темир йўл транспортига жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Олиб борилаётган ислохотлар доирасида 2024 йил декабрь ойидан бошлаб “Тошкент – Чиноркент” йўналишида, жорий йилнинг май ойидан бошлаб эса “Қўқон – Наманган – Андиджон – Марғилон – Қўқон” айланма ҳалқа йўналиши бўйлаб янги электропоездлар қатнови йўлга қўйилди. Жорий йилнинг 18 июль кунидан бошлаб учинчи электропоезд “Тошкент – Сирдарё – Бекобод” йўналишида ҳаракатланишни бошлаган бўлса, яқинда қуриб битказилган “Тошкент – Паркент” йўналишида ҳам янги қатновларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, ўтган йиллардаги тахлилларга кўра, юртимизга келаётган сайёҳларнинг аксариат қисми қўхна Хива шахрига ташриф буюрмақда. Шу боис “Ўрганч” халқаро аэропортдан “Ўрганч – Хива” йўналишидаги магистралга туташувчи 10,8 километр узунликдаги янги темир йўл изларини қуриш ишлари якунланди ва аэропорт ҳудудида замонавий темир йўл вокзали барпо этилди. Тез орада “Ўрганч аэропорти – Хива” йўналишида ҳам тезкор электропоездлар қатнови ташкил этилади. Ушбу йўналиш учун Хитойнинг “CRRC Dalian” компаниясида ишлаб чиқарилган 2 та янги электропоезд харид қилинди.

Келгуси режаларга кўра, Чехиянинг “Skoda Transportation” компаниясидан 10 та замонавий электропоезд сотиб олиш ва уларни талаб юқори бўлган йўналишларга чиқариш кўзда тутилган. Бу орқали йилига қўшимча 1,6 миллион нафар йўловчини ташиш имконияти яратилади. Шунингдек, Жанубий Кореянинг “Hyundai Rotem” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 4 та янги замонавий юқори тезликда ҳаракатланувчи ва 4 та тезкор йўловчи поездини харид қилиш белгиланган.

Саҳифани Аваз ОМОНОВ тайёрлади



МУАССИСЛАР:

“Ўзбекистон темир йўллари”
акциядорлик жамияти,
Ўзбекистон темирйўлчилари
ва транспорт қурувчилари
касаба уюшмаси
Республика Кенгаши

Тахрир кенгаши:

Раматов А.Ж.
Нарзуллаев З.Ф.
Сабиров Қ.С.
Юсупов Ж.З.
Балтабаев А.А.

Бош муҳаррир Рустам ҲАЙДАРОВ

Мусахҳиҳ –
Умида ТҶИЧИБОВЕВА

Саҳифаловчи –
Гулзода БОЛТАЕВА

Фотомуҳбир – Ёқубжон МУРОТОВ

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш.,
Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй.

Бoш муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)

Қабулхона: (71) 236-48-92

Мухбирлар: (71) 236-48-71

Газета Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 0139-рақам
билан 2007 йил 11 январда рўйхатга
олинган.

Газета тахририят компьютер
марказида саҳифаланди

ISSN: 2181-6158

Буюртма Г-734

Босишга топширилди: 19:30

1 2 3 4 5 6

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида А-2 ҳажмда чоп этилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Адади: 1200